





# МУВОЗАНАТ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Ландтаг ўзи қабул қилган метрий ҳужжатлар, федерал қонунларнинг шу ҳудуддаги ижроси устидан назоратни амалга оширади. Шу билан бирга, халқ вакиллари «ландтаг» ижроия ҳокимияти органи бошлиги бўлган Бош вазирнинг фаолиятини ҳам кузатиб боради. Яъни Бош вазир томонидан қўйилган битта кичкина камчилик, ўзбошимчилик ҳам Ландтаг депутатлари томонидан қаттиқ танқид қилинади. Бош вазир Ландтаг олдига ҳисобот беради, лекин Ландтаг Бош вазир олдига ҳисобот санамайди. Бош вазирга Ландтаг ишларига аралашшиш ҳуқуқи берилмаган. Умуман, Германияда вакиллик органи Ерлардаги олий давлат органи ҳисобланади. Турки, бу ҳол Фарб менталитетига хо, дейиш мумкин. Аммо Шарқда ҳам шунга яқин тажрибалар мавжуд.

Япониядаги маҳаллий мажлисларнинг кенг ваколатга эга эканлиги фуқароларнинг сийсатдаги иштирокларига ҳам ўзининг сезиларли таъсирини ўтказган. Японияда ҳам маҳаллий вакиллик органи — йигинлари худди биздаги каби сессиялар вақтида фаол иш олиб боради. Бу сессиялар бир йилда тўрт марта чақирилади. Шундай бўлса-да, Япониянинг маҳаллий мухторият тўғрисидаги қонунига биноан, округ сайловчилари вакиллик органига муниципалитетнинг ижроия органи қабул қилган қарорларни бекор қилиш ҳақида мурожаат қилишлари мумкин. Бундай ҳолатда муниципалитет бошлиги 20 кундан чекланимай, йигинни чақиритиш зарур. Ижроия ҳокимиятининг мансабдор шахси ўзининг вазифаларига совуққонлик билан қараган, ўз вазифаларини тўла адо этмаган ҳолда, округ сайловчилари мэр ёки губернатордан унга тегишли қоралар қўришни талаб қилишлари мумкин. Бундан ташқари, сайловчилар вакиллик органини тарқатиб юбориш тўғрисидаги тақлифларини ҳам киритиш ҳуқуқига эгадирлар. Агар сайловчиларнинг қўлидаги томонидан бу тақлиф қўллаб-қувватланса, вакиллик органи тарқатиб юборилиши мумкин. Сайловчилар худди шу тартибда нафақат вакиллик органини, балки мэр ёки губернаторнинг ҳам вазифасидан чақириб олиш ҳуқуқига эгадирлар. Шу боис депутатлар ҳам, ижроия органи раҳбарлари ҳам, аввало, сайловчилар олдига ўз масъулиятларини чуқур ҳис этадилар. Одатда маҳаллий йигинларнинг баҳорги сессиясида мэр томонидан ишлаб чиқилган йиллик бюджет тасдиқланади. Бу жараён депутатлар ўртасида атрофида муҳокама қилинади. Йигиннинг кузи сессиясида эса мэр йиллик ҳисоботини ўқиб эшиттиради. Бунда депутатлар мэрнинг фаолиятига баҳо берадилар, қилинган ишлар, тўлиқ бажарилган вакиллик органи ҳақида баҳо қўришадилар, тегишли қарорлар қабул қиладилар.

Шу ўринда, муҳокама юритишимиз зарур: маҳаллий ижроия ҳокимиятларини суёт ишлаётганлигининг сабабларини нималар билан изоҳлаш мумкин?

Биринчи навбатда, халқ вакилларида етарлича фаолилик сезилмайди, назорат фаолияти нисбатан суёт. Иккинчидан, жамоатчилик назоратини куचाйтириш лозим бўлди. Учтинчидан, ҳар биримиз масаласга ўз манфаатларимиз нуқтаи назардан эмас, балки давлат ва жамият манфаатлари нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда қарашимиз керак.

Яна бир жиҳат шундан иборатки, модомки, биз ҳуқуқий давлат қураётган эканмиз, амалдаги қонунларнинг фаолиятини назорат қилиш вакиллик органининг вазифаси эканлигини унутмаслигимиз даркор. Афсуски, бу боралдаги ишлар жойларда қаноатланарли даражада ташкил этилган эмас. Ҳолбуки, вакиллик органи қўлидаги махсус доимий комиссиялар мавжуд. Демак, уларнинг фаолиятини куचाйтириш лозим. Улар ўз ишларини жамоатчилик бирлашмалари, нодавлат ташкилотлар, ўзини ўзи бошқариш органилари, тегишли муассасалар билан уйғун ҳолда олиб бориши жамоатчилик назоратининг куचाйтишига омили бўлади. Айниқса, маҳаллий вакиллик органилари доимий комиссиялари Олий Мажлиснинг мутасадди қўмиталари билан изчил ҳамкорликни йўлга қўйсалар, нур устига аъло нур бўлар ва бу ўз навбатида қонун устуворлигига мустаҳкам замин яратар эди.

Мазлумки халқ вакилларида кўпдан-кўп ҳуқуқий ваколатлар берилган. Нега улар маҳаллий ижроия органининг фаолиятини назорат қилишга мурожаат бўла олмайдилар? Бунинг асосий сабаби — ақсарият қўлидаги қонунларнинг қарорлардан ҳамон қутула олмагани билан изоҳланади, ажаб эмас.

Жойлардаги маҳаллий ҳокимият органилари марказий давлат органилари олдига, шу билан бирга, ўз фуқаролари, аниқроғи, халқ вакиллари олдига ҳисоб беришга буюрилди. Шу маънода, ҳокимият халқ депутатлари кенгаши сессиясига раислик қилиши мақсадга мувофиқдир. Чунки доимо ўзи раислик қилган кенгаш олдига ҳисоб бериш унинг зиммасидаги масъулиятини бир қадар енгиллаштириши мумкин.

Президентнинг Ислам Каримов халқ депутатлари Фарғона вилоят кенгаши сессиясида бу масаласга алоҳида эътибор қаратди. «Депутат зиммасига жуда катта вазифа ва масъулият юклатилган. У вилоятдаги ижтимоий муҳитга фаол таъсир қўриётган, вилоят раҳбарларининг, жумладан, ҳокимнинг ҳам фаолиятини назорат қилиши, ҳокимиятнинг ишнинг ҳолида баҳолаш, камчилик ва нуқсонлар ҳақида рўй-роҳат таътириши, буларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш масалаларида намуна бўлиши лозим», дея таъкидлаган эдилар.

Албатта, ҳар қандай вазиятда ҳам халқ вакиллари ва ҳокимият ишлари мувозаанат бўлмоғи даркор. Мамлакатимиз демократик тарққётнинг янги босқичи — икки палатали парламент сари қадам кўяр экан, бу ўз-ўзидан жойлардаги вакиллик органиларининг, халқ вакиллариининг зиммасига катта масъулият юклайди. Чунки профессионал парламент қонунлар мукамаллигини таъминлабгина қолай, табиий равишда вакиллик органи билан ижроия ҳокимиятининг ўзаро муносабатларини тартибга солади. Бу ўз навбатида қонунлар ижросини тўла назорат этиш имконини яратди. Бу жараёнда эса демократиянинг янги босқичларида янаша нечоғли таъбирлигимиз, ҳар биримизнинг ҳуқуқий маданиятимиз ва фаолиятимиз ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

**Йўлдош ЖУМАЕВ,**  
Ўзбекистон Республикаси Президентини  
хузуридаги Давлат ва жамият қурилиш  
академиясининг тинловчиси.

## Анжуман

### ТАЪЛИМ САВИЯСИ ҚАНДАЙ?

Яқинда Тошкент давлат техника университети қолидаги Чилонзор академик лицейида Республика миқдотидаги академик лицейларнинг сессияси бўлиб ўтди. Ўзбекистон республикаси Олий ўрта махсус таълим вазирлиги қонундаги Республика ўрта махсус, касб-ҳунар таълим маркази томонидан уюштирилган мазкур анжуманда академик лицейларда ўқув-тарбия ишларининг самаралорини ошириш масаласи муҳокама қилинди.

Академик лицейларда таълим — тарбиянинг савияси қандай? Унинг даражаси ҳазирги кун талабларига жавоб берадими? Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлигининг биринчи ўринбосари Ж.Хусанов мазкур асосий беш масаласини шундай деб изоҳласа бўлади. Мазкур давлат республика бўйича тўпланган аниқ рақамлар ва далиллар асосида 2001 йилдаги академик лицейларнинг илк битирувчиларига хос ютуқлар ва муаммоларни таҳлил қилди берди. У Ҳоразм вилояти, Самарқанд ва Тошкент шаҳарларидаги академик лицейларнинг битирувчилари билан даража-нисбатан юқори эканлигини таъкидлади. Бунга сабаб нима? Ўзбекистон Миллий университети қолидаги С. Сирожиди-

**М.САФАРОВ.**



Мазкур жамоа пойтахт вилоятидаги илгор ҳўжаликлардан ҳисобланади. Утган йили бу ерда пахта тайёрлаш шартнома режаси вилоятда биринчи бўлиб ўдланди. Ҳалқчилликда ҳам ҳосилдорлик йилдан-йилга ошиб бормоқда. Шу боис олинаётган фойда миқдори ҳам ортапти. Мавжуд ер майдонларининг пудратчиларга бўлиб берилганлиги, улардан самарали фойдаланилаётганлиги, пировад натижадан эса дехқонларнинг манфаатдор бўлаётганлиги ютуқли омили бўлмоқда.

Таҳлил учун ҳўжаликнинг асосий тармоғи ҳисобланган пахтачиликни олиб кўрайлик. Бултур ҳар гектар ердан 35 центнердан қимматбаҳо саноат хомашиси йиғиштириб олиниб, унинг ҳаммаси биринчи сўртта сотилди. Натижада соҳадан қарий 12,3 миллион сўм соф фойда қўлга киритилди. Ҳалқчиллик эса ҳосилдорлик 40 центнерни ташкил қилди. Бунинг эвазига қарий 20 миллион сўмдан зиёд соф фойда олишга эришилди.

Шу билан бирга, шартномадан ортиқча етиштирилган ғалланинг ҳаммаси пудрат эгаларига тарқатилди.

Ширкат ҳўжалигида эришилаётган муваффақиятларнинг омилларидан яна бири ёниги-ойлаш махсудотларидан оқилона фойдаланилаётганлигидир. Машина ва тракторларни бошқарётган ҳар қишга, аввало, тежамкорликнинг аҳамияти ҳақида батафсил тушуنча берилди. Айни чоғда раҳбарият томонидан бензин ва дизель ёнилғисининг қандай ишлатилаётгани доимо назорат қилиб борилди. Бу борада юқори кўрсаткичларга эришаватганлари рағбатлантириш йўлга қўйилди. Оқибатда мана, уч йилдир-ки, катта миқдорда нефть махсудотлари тўхталмоқда. Айниқса, утган йили бир неча миллион сўмлик махсудот иқтисод қилинди. Натижада етиштирилган пахта ва ғалланинг таннархи бир-мунча арзонлашди.

Жамоада, шунингдек, меҳнат интизомига қатъий риоя қилинапти. Ҳар бир

### ЖИЗЗАДА ҲОКИМЛИК ИДОРЛАРИ ВАКИЛЛАРИ, ҚИШЛОҚ ФУҚАРОЛАРИ ЙИГИНЛАРИ РАИСЛАРИ, ТАБИАТИ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ ИДОРЛАРИ МУТАХАССИСЛАРИ ИШТИРОКИДА «НУРОТА-КИЗИЛКУМ БИОСФЕРА РЕЗЕРВАТИНИ ЯРАТИШ» ЛОЙИХАСИНИ АМАЛГА ОШИРИШГА БАГИШЛАНГАН СЕМИНАР БЎЛИБ ЎТДИ.

Жиззада ҳокимлик идоралари вакиллари, қишлоқ фуқаролари йигинлари раислари, табииати муҳофаза қилиш идоралари мутахассислари иштирокида «Нурота-Кизилкум биосфера резерватини яратиш» лойиҳасини амалга оширишга бағишланган семинар бўлиб ўтди.

### Жамият, инсон, ҳуқуқ

**Олий Мажлиснинг олтинчи сессиясида «Жаной жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим воқеалардан бири бўлди. Янги қонун суд-ҳуқуқ ислоҳотининг янги босқичини бошлаб бериш билан бирга, жиноят ишларини юритишнинг судгача бўлган босқичида бу ишларни тергов қилиш орқали тайёрлашдаги буларнинг тергов қилиш тизими олдига ҳам ишга янгица ёндашишдек масъулиятли вазифаларни қўйди.**

Мана шу вазифалар ва жиноят қонунчилигидаги ислоҳотлар ҳақида Тошкент вилоят ички ишлар бошқармаси тергов бошқармасининг бошлиғи, милиция полковниги Шавкат ИКРОМОВ билан суҳбатлашдик.

— Шавкат Тохирович, Сиз узок йиллар тергов соҳасида ишлаб раҳбар бўлган ва ҳозир ҳам бу тизимнинг оғир-енглигини кўриб келаётган ҳодимсиз. Шунинг учун жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши бўйича қабул қилинган қонун ва шу муносабат билан тергов тизимидаги ўзгариш ҳамда янги-янги қонунларнинг тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларингиз газетонлар учун марроқли бўлади, деб уйлайман.

— Раҳмат. Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши жамиятимиз ҳаётида катта воқеа бўлгани ҳақида ва янги қонуннинг муфассал шарҳига бағишлаб матбуотда ҳуқуқшунос олимлар ва республика органилари раҳбар ҳодимларнинг катор чиқишлари бўлди. Уларни такрорламаслик учун, янги қонуннинг айрим моддаларини бевосита терговга алоқадор вазифалар ҳақида гаплашсак.

— **Мақсад ҳам шу, марҳамат.**

— Аввало, Жиноят кодексига киритилган янги, 61-1-модда — яраштирув институтининг аҳамиятини таъкидлаган келади. Сабаби — илгари енгил-елли жиноий айблар учун ҳам инсонларга, баъзан туپлатузуқ ақл-салоҳиятга оғир-эътиборли одамларга нисбатан ҳам сениз-сениз «папка-дело»лар тайёрлаб судга жўнатариларди. Бундан ташқари, ҳар бир оғир эди, дейиш мумкин. Чунки инсон сифатида руҳларига ўтирган айбланувчига аниқсанан — айди эғирча, эртага иш суддан ўтса, унинг пешонасига «судланган» деган тавқир-лаънат осилади. Энг



Яқун ва самара

# МУВАФФАҚИЯТ ОМИЛИ — ИЗЛАНИШДА,


— дейди Чиноз туманидаги Амир Темура номли ширкат ҳўжалиги аъзолари

киши ўз жойида фидокорона меҳнат қилганлиги боис натижадан ҳаммаси янада қўлаймоқда.

— Кейинги йилларда биз мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланиш, фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор бера боламиз, — дейди ҳўжалик бош агрономи Абдукарим Юсупов. — Мазкур тадбирлар ўз навбатида белгиланган режаларни бариқат қилиш имконини беришмоқда.

Шу ўринда жамоада юз берган барча ўзгаришлар бошқарув раиси Мирзааҳмад Раҳмонов фаолияти билан боғлиқ эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Дарҳақиқат, раҳбар халқоқ, иқтисодиётни чуқур билдиган, талаб-чам, ишланувчан, янгиликка ўч, одамларни ўз ор-

— Хали фойдаланилмаган имкониятларимиз, умуман, бажарадиган ишларимиз кўп, — дейди бошқарув раиси Мирзааҳмад Раҳмонов. — Жорий йил бошида шуларни ҳисобга олиб, аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқдик. Ҳозирги кунда улар изчил амалга оширилмапти. Техника воситаларини таъмирлаш, ариқ-зовурларни тозалаш, далага гўнг чиқариш ишлари алоқадон низоҳатга етказилгани, бир сўз билан айтганда, экин экиш мавсумига пухта ҳозирлик қилгани бунинг далилидир.



**Лобар СУЛТОНОВА.**  
**СУРАТЛАРДА: ширкат ҳўжалиги бошқаруви раиси Мирзааҳмад Раҳмонов ва бош агроном Абдукарим Юсупов ғаллазорда, ҳўжалик ҳудудида барпо этилган қишлоқ врачлик пункти янги босқичнинг ташқи кўриниши; техника воситаларини алоқадон мавсумга шай қилиб қўйилган.**  
**Муаллиф олган суратлар.**

### ТАБИАТИ АСРАШ — БУРЧИМИЗ

Жизза, гўзал табииати, ноёб ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси билан мамлакатимизда ўз ўрнига эга вилоят. Табиат бойликларини қўриқлаш, уни асраб-авайлаш мақсадида ишлаб чи-

Михель ва бошқалар сўзга чиқиб, лойиҳадан кўзда тутилган мақсад, уни амалга оширишда идоралар, айниқса, аҳолининг фаол иштироки борасида сўз юртиди.

**Йўлчи ЖўРА,**  
**Ўза мухбири.**

нинг қучайишига ҳам таъсир қўрилади. Ахир Ҳадисларимизда ҳам кечиримли бўлиш хуш ахлоқли ва муруватлиликка хос хислат экани кўп таъкидланган-ку? Энг муҳими, судда яраштириш ақти амалга оширилгандан кейин у киши «судланган» деб ҳисобланмайди.

Яраштириш ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган жиноятларга нисбатан қўлланилмоқда ва унинг тўртта шартли бор: а) жабрланувчи билан айбланувчининг ярашгани, б) мулкий зарар ундирилганлиги, в) жиноятнинг ижтимоий ҳавфи эаслиги, г) айбланувчининг биринчи марта жиноят содир этгани. Менимча, кейинчалик, демократик-ҳуқуқий жамиятимиз пойдевори мустаҳкамлангани

ти етказган. Иш 2002 йил 19 январда ЎзР ЖКнинг 66-1-моддаси талаблари асосида туман судига юборилган. Энди бир мулоҳаза юритайлик: биринчи мисолдаги хотин, иккинчи мисолдаги шавфер судланса — қамалса, кимга фойда-ю, кимга зиёни бўларди? Ойлада болалар маълуум муаддатга онасиз қолиб, меҳрдан узоқлашарди, рўзгор пароканда бўларди, ота-болалар ўртасига совуқлик тушарди, она-аёл озоқликдан маҳрум этилган тақдирда ҳам, мажбурий хизматни ўташда кеҳадиган маънавий азобларини эса бирон нима билан улчаб бўлмайди. Жаҳл устида номаъқуллиликка қўл уриб қўйган йигитчи, у икки-уч

# ЖАЗО — ЖИНОЯТГА ЯРАША

— дейди Тошкент вилояти ИИБ Тергов бошқармасининг бошлиғи, милиция полковниги Шавкат Икромов

ёмони, бу фақат ўзининг эмас, бола-чақаларининг тақдирига ҳам салбий таъсир қўрилади. Бироқ унга ёрдам беролмайсан — қонундан четга чиқиб бўлмайди. Қолаверса, Жиноят кодексининг мавжуд енгиллаштирувчи бандларини қўллаш ишчи юмшотса ёки шариот ўзгартирилса сабабли тугатса — терговчининг ўзи шубҳа остида қолар, қарори бекор қилинар эди. Шунингдек, иш мулкий объект вакиллари билан бўлиб судга тугатилса ҳам, гўё суд айб иш қилгандек бўлиб қолар эди. Шу тариқа, масалан, ўн беш-йигирма йил товч яшаб, хотини билан ақил устида биринчи марта жанжаллашиб қолган эди ҳам судданиб кетаварди. Еки эҳтиёсизлик оқибатида келиб чиқадиган жиноятлар, йўл-транспорт ҳодисалари ҳақида ҳам шу фикр кўйган мумкин. Яраштирув жараёнининг жорий этилиши, яъни Жиноят кодексидидаги жами 26 та модда бўлиб яраштириш ақтини қўллаш имконияти берилгани, журналистлар тили билан айтганда, улғиш бўлди. Бу билиб-билмай содир этиб қўйган жиноий ҳаракатлар учун инсонларнинг юзига «судланган» деган қора чап-лашнинг олдини олиш билан бирга, биласизми, одамлар ўртасида, демократик жамиятда ўзаро меҳр-оқибат

иёл умрини тиканли сим ортита ўтказса, «тарбиялан» ўрига, аксинча, тарбияси бузилиб нақд жиноятчи бўлиб қайтиши эҳтимолдан узоқ эмас. Айниқса, эҳтиёсизлик оқибатида жиноят содир этган ҳайвончини қамасак — ҳам давлатга, ҳам жамиятга, ҳам ўзига зиён эканлиги кундай равшан нарсас. Бундан-да муҳими — жабрланган фуқаро бундан нима наф қўриди? Албатта, ҳеч қандай. Демак, уни жиноий жазолаш ўрига, жабрланган кишига етказилган моддий ва маънавий зарарини тўлаш ва иккаласи ўртасидаги оддий инсоний муносабатларни тиклаш орқали яраштирув ақтининг қўлланиши икки томон ва жамият учун ҳам фойдали эмасми? Албатта, шундай. Мана шу саноклик мисолларнинг ўзида ҳам яраштирувнинг бениҳса хайри амалини кўриш мумкин.

Шу тариқа, янги қонун жорий қилингандан буён ўтган йили 92 та, бу йил эса 47 та жиноят иши яраштириш моддаси билан судга жўнатилади. Бу жами (384 та) жиноят ишларининг 13,9 фоизини ташкил этади.

Энди мана шу қонун банди ортитадиган ижобий ҳолатларга бир эътибор берилайлик: биринчидан, бу жиноят ишларини тергов қилиш содирлашди, иккинчидан, жабрланувчи билан айбланувчи

### ЎЗБЕК ОЛИМЛАРИ — ИСРОИЛДА

Ишлаб чиқаришга синовдан ўтган замонавий технологияларни олиб кириш, ўрта ва кичик бизнес, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мамлакат иқтисодиётини бақувват ва барқарор қилишда муҳим омили эканлиги ақди мавзуда. Шунинг учун ҳам бозор иқтисодиётига ўттишининг ўзига хос ва ўзига месо йўлини ташланган Ўзбекистон бу соҳа ривожига катта аҳамият бермоқда. Бунинг натижасида янгица шариотда ишлаш тизими кенгайиб, хусусий секторнинг умумий иқтисодиётдаги улуши аста-секин ошиб бормоқда.

Албатта, тармоқни ривожлантириш етук ва маълумли кадрларни тайёрлашга, уларнинг маълумлини оширишга аҳд тўқоламан бормиз. Ассасини шу йўналиш бўйича бўлган жамиятнинг таъбирланган Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтига ҳам кейинги йилларда мазкур масаласга замона талабларини келиб чиққан ҳолда ёндашилмоқда. Жумладан, яқинда ушбу институт бир гуруҳ олимларнинг Исроил давлатида бўлиб қайтгани ҳам фикримизнинг далилидир.


Улар ўз ҳафта лавомида Гистодрут Хайкор институтига бозор иқтисодиётига ўттишда хусусийлаштириш, инвестиция ва молиялаштириш, қимматли қоғозлар портфели, янги аср кичик бизнеси, замонавий маркетинг жараёни, хайқор тижорат тамойиллари, экспорт ва импорт ҳамда бошқа қўллаб-қувватлаш марказлари тингладилар, амалий баҳс-мунозараларда иштирок этидилар.

— Исроил деярли ҳеч қандай табиий бойликларга эга эмас, — деди сафардан қайтган институт проректори К.Жумабоев. — Мамлакатнинг асосий даромади одамларнинг ақли меҳнати ҳисобига келади. Таъбир жоиз бўлса, Исроил бугун она шу интелектуал бойлик тўғрисида ривожланган давлатлар қаторидан жой олди. Хусусийлаштириш жараёнида Исроил АҚШ моделини танлаган. Қимматли қоғозлари шу мамлакат биржаларида сотиш бўйича Канаддан кейин иккинчи ўринда туради. Шунингдек, электротехника соҳасида ҳам Исроил ўзига хос ўрнига эга. Маълумки янги шундай технологиялар танқидий ўрганиб, Ўзбекистон шариотига қандай қўллаш мумкинлигини енгил алоқадор ўргатиш иборат.

**Ўз мухбири.**

**Ҳобибулло ОЛИМЖОНОВ**  
**суҳбатлашди.**

Ривоятдан — ҳикоятга



Максуд КОРИЕВ

# Қалдиргочлар

Баҳор айёми, борлиқ-табиат жонланishi, уйғониши, гўё ҳаёт янгидан бошланаётгандай. Гилос, ўрик, олмалар қий-қос гуллаган, ариқ бўйларидан кўм-кўк би-нашлар чамандай очилиб ётибди, уларга қараб кўнглингиз хушнуд тортади, ди-лингиз равшанлашади. Боғларда қушлар наво айлар, баҳор келиди деб. Қаранг, ана-ви Аллоҳнинг мўмин-маъқул мусичаси туншугида чўп кўтариб ҳаммадан аввал уя қурмоққа шайлар.

Баҳорнинг илк жарчилари — қалди-ргочлар ҳам кунни кеча қайнадири пайдо бўлиб қолиши. Улар ҳам ўзлари учун ин қурмоқ чинтила бўсалар керак, ўй-ми атрофида тирли-капалак бўлиб айла-нишарди. Айвон пештоқига қўниб, ик-ковлон ўзларининг қуш забонларида ни-малар ҳақилари сўзлашар, кейин масла-хати бир жойга қўйилар шекалиди, ўша заҳоти уй қуриши бошлаб юборишиди.

Кичкинагина тумшукларда «қурилиш-га лой, чўп, сув ва бошқа биз билмаган ҳақиқат билан зарур бўлган нарсаларни, минг азоблар билан ташиб келиб «иморат» кў-таришарди. Уста ва қурувчи ҳам, сувочки ва пардозловчи ҳам ўзлари. Билиб-билиб қилишарди ҳар бир ишни. Кунни буйи-чарчаб-хориб оқшом чоғи иккалеси би-ри-бирларига суянишиб, гоҳо-гоҳо чўгу-ла-шиш нелар ҳақилари сирлашарлар.

Меҳнатлари зор кетмай, орзу қилган уларни битди ҳисоб. Саоятди қушлар ҳам келди. Жуда хисса, аммо жұфтлар учун бир умрга аризулдек дамлар... Уйда эса хотиржамлик, гоҳо-гоҳо норин чиқиб, ризқ қилириб самоларда учиб юрар.

Кунлар ўтиди. Қалдиргочлар уясидан чи-рилган овоз келар, билсам, полалонлар ё-руғ дунёга келишибди умид билан. Са-найман, тўрта тумшук, тўрта жон экан.

Қалдиргочлар ҳаёти шу тарзда борар эди-ку, аммо бир фожиа юз бердики, норин қайларга гойиб бўлиб қолди. Бир кун ўтди, эрта бўлди, кеч бўлди, аммо ундан дарак йўқ. Жўфти билса бозовта чўгулар, ҳиловати йўқ. Жўфтини излар, яна шу орада овқат ташир болаларига.

Меҳнати яна ҳам оғирлашиди, болалари об-ичирмон, ҳаргўлг учирма бўлишга о-з-гина қолган. Она бўлса, шўриқ болалар-ни деб, бир дақиқа тиниб-тинчмас. Ва-ниҳоят, не азоблар билан катта қилди-полалонлар.

Ниҳоят, ёз ҳам келди, пишқидлик, оромли дамлар. Осмон узра қалдиргочлар учиб юрар, нақалар кўркам, чиройли. Қуларнинг қунаб кетар кўрганнигиз-да: Афсусларким, она ёлғиз, норин бол-лар рогатасида йўлдикиди, ё бирорта йиртқиқ қушининг чангалига илинидики, буниси жумбоқ. Кечта томон уясида учиб келар ҳориб-чарчаб. Гавжам уйи бўшаб қолган. Қўчиб кетгандай. Болалар-чи, ўз-айтуна, қайларга гойиб бўлган, қўри-ни?

ни? Қандай меҳри эдинг илгарилари, ҳеч қерга ишонмасдинг, нима бўлди сенга...  
— Онажоним, меҳрибоним, кўрмай-сизим, юмушлар кўп, чарчаганман бу ҳаётдан.  
Шу аснода яна котиба қиз пайдо бўлди эшик ёнида. Вазирининг энди газоби то-моғига келди, бефаросат котибалар.  
— Сизни Марказқўмдан сурашяпти, те-лефонни ола қолинг. — деди ялғиндай.  
Қуриб турисан-ку, мен бандман-банд-ман, ўзлари кўнгирак қилар эканлар де! — Ахир Марказқўмдан.  
— Узим кўнгирак қилман, дедим-ку!

Маънос тортиб чиқиб кетар котиба шўриқ.  
Зум ўтмасдан котиба қиз яна пайдо бўлди, ранглари учди.  
— Марказқўмга худлик билан етиб бо-рар экансиз, — деди-да, индамай қайтиб чиқиб кетди.

Онажон, сиз ҳозир уйга боринг, мен машинани чакриб бераман, Ке-чқури бафуржа мазза қилиб туйиб гапла-шиб оламиз, — деди ўғли.  
— Йўқ, мен энди кета қолай, эшикда машина туртибди, ҳўжалигимиз бошлиғи Аҳмаджон ака, барака топсин, ўз маши-насини бериб, бориб кела қолинг, деди. Машинаси яна мени бир пасла қишлоққа етказиб қўяди, ўз уйим, ўлан тўшагим, деганлар.

Келиннингиз, невараларингизни кўриб кетмайсизми ахир? Ҳали сизга тўйганми йўқ.  
— Маини энди, мана, сени кўрдим, кўнглим жойига тушди, аммо ишинг жуда қийин экан...  
— Она ўридан турди, кейин бир нарс-ага тушгандай, ўғлининг елкасига қўли-ни қўйиб деди:  
— Тургисини айтсам, ўғлим, сенга раҳ-мим келиб кетди, яхшиси, ўша ўзинг ту-зилган, кичик қонинг тўқилган уйинга бора қол қўниб, ҳўласанг, оқсоқолимиз-га айтман, сенга яқин бир иш топиб берар, у мени жуда ҳам ҳўрмат қилди.

Уйи соллагина онасига боқиб, бола-лиғи кечган ўша болалар, қадрон уйлар-ида тушди, қандай саоятди қушлар эди, энди ҳечам қайтиб келмас.  
Она кетди ўз уйига, ўғил эса...  
Мана, яна кўкман келди сепинг ёзиб, олам тула гўл. Хар баҳорда шу булар так-рор. Осмон тула яна ўша қалдиргочлар.  
Замон ҳам ўзгарди, тизимлар ҳам. Ис-тиқлолға чиқиб олди буюк мамлакат.  
Бугун Солиқжон машинасига ўтириб болалари билан онажонини қўришга қад-рон қишлоғига келди. Онаси Шўҳида ҳо-ди энди аёча ётиб қириб мунқаллаб қолган. Бир оёғи ишламайди. «Қарлик қўриғи», дейди ҳар сўзида. Юришга ҳам тоқати йўқ.


Солиқжон дарвозадан кириб борганда қонанга нур кириб келгандай бўлди она учун. Барига боқиб оқилдек меҳри бил-дан жигарбандини. Қўларига ёш тўлиб қучоқладди. Солиқжон ҳам онажонини. Болалар келиб уйлар тўлиб кетди. Ян-гилан ҳаёт бошланганди.

Айвон пештоқига қалдиргочлар яна уя қуришга киришиб кетишган. Ҳали ила-ри битмаган. Яна ўша тинимсиз меҳнат, насл қолдириш иштиқиди. Икковлон ай-вон пештоқига ўтиришиб, бири олиб, бири қўлиб, тинмай чўгуллашди. Онам дедилар:  
— Ана қара, ўғлим, қалдиргочлар «вал-фажр»ни ўқир...



## МУАЙТАЙ РИНГТА ЧЕМПИОНЛАР ЧАҚИРИЛМОҚДА

Муайтай — жиноятчиликка қарши!  
Муайтай — гиёҳвандлик ва терроризмга қарши!  
Муайтай — соғлом турмуш тарзи учун!



Шу йилнинг 25 февраль-1 март кунлари пойтахти-миздаги «Жар» спорт-соғ-ломлаштириш мажмуида муайтай бўйича Ўзбекистон чемпиони бўлиб ўтади. Унда жаҳон, Европа ва Осиё чемпионларининг голиб ҳамда совриндорлари кўч си-нашилади. Демак, рингта чемпионлар чақирилмоқда. Беллашулардан баҳра ола-ман десангиз, спорт байра-мига марҳамат қилинг!

1994 йилнинг май ойида Тошкентда муайтай бўйича би-ринчи республика мусобақаси ўтказилиб, унда 60 дан ортиқ спортчи иштирок этди. Қу-вондорлиси шукки, Ватанимиз спортчилари ўша йилнинг ў-здаёқ халқроқ беллашуларда қатнашиб, дастлабки медаллар-ни қўлга киритишди. Таиланд-да ташкиллаштирилган би-ринчи жаҳон чемпионатида ва-килларимиз битта кўмуш (Сарвар Валиев, 51 кг.) ва учта бронза (Шерзод Холиқов, 48 кг., Жам-булат Омонтаев 63 кг., Эркин Эргашев, 67 кг.) медалларини Ўзбекистонга олиб келишгани сўзимизнинг исботидур.

Муайтай бўйича уюшти-риладиган мусобақалар орасида «Қишлоқ кубоғи» (Таиланд) учун жаҳон чемпионати энг нуфузлиларидан саналади. 1997 йилда ўтказилган ана шундай мусобақада юртимиз-нинг мард ва танти йилгитла-ри чиндан ҳам Амир Темир авлодлари эҳанглигини исбот-лашди. Айниқса, 91 килограмм вази тоифасида рингта кў-тирилган Эркинбой Қўтибоев олтин медалини қўлга киритиб, барчани ҳайратта солди. Қу-муш ва бронза медалларининг соҳибига айланган Зафар Ка-римов, Бахтиёр Сатторов, Диёр Пулатов, Алишер Тўх-таишев, Муҳаммад Тураев, Ру-стам Тайтаназаровлар ҳам ўз-ўз уелдорларининг зарбини кўз-қўб қилишди.

1997 йилнинг 19-23 ноябрь кунлари Ўзбекистон терма жа-моасининг бош мураббийи ҳамда федерациянинг ижрочи директори бўлиб ишлаб кела-ётган Замирбек Қосимбеков Бутунжаҳон муайтай ассоци-ациясининг вице-президенти этиб сайланди. Шунингдек, унга халқроқ тоифадаги ҳакам унвони берилди.

1997 йилнинг 19-23 ноябрь кунлари Ўзбекистон терма жа-моаси Бангкогда ўтказилган 18 мамлакат спортчилари ишти-рокидаги Осиё чемпионатида яна зафар қўчди. Жами 8 та медалини қўлга киритган ва-килларимиз умумжамоа ҳис-обида мезбонлардан кейин ик-кинчи логонани банд этиш-ди. Бу ютуқда Тоҳир Мирса-мадов, Диёр Пулатов, Илдар Хайрудин, Дилшод Набиев ва Шухрат Муслимовларнинг ҳис-саси катта бўлди. Хитойда бўлиб ўтган Халқроқ спорт фестивалида ҳам юртимиз му-айтайчилари яна голиблик шохсўрасидан жой эгаллашди.

Бугун шаҳар ва қишлоқла-римизда «Мен Эркинбой Қў-тибоевдек машҳур спортчи бўламан» дейдиган ёшлар кўлаб топилади. Зотан, Эр-кинбой мамлакатимиз байро-ғини баланд қўтариб, ана шун-дай ҳавасга яраша голиблик наҳшадисини сурмоқда. Шун-нинг учун ҳам ўз қарра жа-ҳон чемпиони Президентимиз фармониға биноан, «Ўзбеки-стон ифтихори» унвони билан тақдирланган.

Муайтай федерацияси то-монидан республикамизда ам-лаға оширилаётган тақдирлар ҳам мақтовға лойиқ. Айниқса, аҳаньявий тарзда Самарқанд ва Андижон вилоятларида, Тош-

Озод РАЖАБОВ, «Халқ сўзи» шарҳловчиси.

**САВОЛ БИЗДАН...**  
Кук ороллари қайси давлат ҳудудига қиради?  
Кечаги сондаги саволнинг жавоби: *Вис-Вис Чилидаги вилоят ва паренше номи.*  
136-35-60

**Хурматли тадбиркор жаноблар!**  
Кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш ва ўз мижозларига энг қулай шaroитлар яратиш мақсадида

**«АСАКА» БАНКИ**  
2002 йил 1 февралдан бошлаб банк амалиётларининг асосий йўналишлари бўйича хизмат кўрсатиш тарифларини такроран **30%дан 50%гача** камайтирганини эълон қилади.  
«Асака» банки Ўзбекистон молия бозорига 1996 йилдан бери фаолият юритиб, республиканинг барча вилоятларида ўз филиаллари ва бўлимлариға эгадир.  
Жисмоний ва юридик шахсларға миллий ва чет эл валютасида барча банк хизматларини кўрсатмоқда.  
**«Асака» банки сизни ўзаро манфаатли ҳамкорликка чорлайди!**  
Маълумот учун телефонлар: 120-83-83, 120-81-62, 120-82-98, 120-82-66.  
Манзилимиз: 700015, Тошкент шаҳри, «Нукус» кўчаси, 67-уй.  
Банк филиаллари — Нукус шаҳри ва барча вилоятлар марказларида.

**Тахририятга хат**  
**«ЁМФИР Ё ЁҒАДИ, Ё ЁҒМАЙДИ»**  
Фан-техника асрида ҳар ишни режалаштиришға ўрганганмиз. Эндиликда бугунги, эртанги об-ҳаво қандай бўлишини билиши-ни истаймиз. Чунки ҳар бир инсон, ҳаққонан табири қор, йўлга мижозчи бўлган оддий ҳайдовчию сайёҳ ўз режаларини об-ҳаво маълумоти ҳақидаги хабарға қараб режалашти-ради.  
Аммо энг замонавий ас-бабо-ускуналарға эга бўлган гидрометеорология хизмати ходимлари кўпчи-ка «Шу кеча-кундузда ҳаво ўзгариб туради, ба-зи ҳудудларда ёнғинчилик бўлиш эҳтимоли бор», дейишдан нарига ўтмай-ди. Бёзсан эсг «Бугун ҳаво кам буғули бўлади, ёнғи-горчилик бўлмайди» деб хабар беришганда айни ёмғир ёниб турган бўлади. Бёзсан об-ҳаво хизма-ти ходимлари таййрлаган маълумотларда пойнтир-сойинтар, кўпчили иборалар учрайди. Шулардан бири республика об-ҳаво-ни ўрганиш хизмати то-монидан тез-тез такрорлан-иш турлидаган «Бугун Ўз-бекистонда ёнғинчилик бўлмайди, фақат Тошкент вилояти ва Фарғона vodi-сининг тоғли ҳудудларда қор ёки ёмғир ёлади» каби маълумотлар. Таваба, на-ҳотки, тоғли ҳудудлар рес-публикамиздан ташқарда жойлашган бўлса, деган хабарга бораем!  
Шундай ҳам маълумот-лардан бири яқинда берил-ди. «11 февраль кунни рес-публикамизда ҳаво ўзга-риб туради», ёнғинчилик кўпчиликда, фақат тоқар-ди қор ёлади», дейилди. Бошқа жойларни билма-ди-у, бирок мен шайда-ган Гулистон шаҳрида кеч-ки соат тўққизларда яқин-тига ёмғир ёниб ўтди.  
Эртасига тонгда бир-би-рига зид маълумотлар яна берилди. «Машъал» радио-си орқали «Бугун респу-бликамизда ҳаво ўзгариб туради, Тошкент, Самар-қанд, Жиззах, Сирдарё ви-лоятларида ёмғир ёниш эҳтимоли бор, пойтахтнинг Тошкентга ва ҳам ёмғир ёлади» қабилда маълумот берилгани ҳолда, «Ўз-бекистон» дастурида «Рес-публикада умуман ёнғи-горчилик бўлмайди», дея узил-кесил айтилди. Қайси бириға ишонини билмай-сан, киши. Сафарға отлан-ган ҳамюртларимизға эса ҳеч иккинчидай, халқимизнинг «Ёз ёнғинининг кўйма, қишда ўзинг билсан» деган доно мақоллини эслаш-дан бошқа илож йўқ.  
Бундай чалакам-чатти маълумотларни қабул қилиб, ҳаво мавжларига тарадатидан мутасаддилар бирозгина хушёр бўлишса, дейман-да.  
Ўтқир ЖўРА, Гулистон шаҳри.

**ДИККАТ: ТАНЛОВ!**  
**ЕВРОПА ТИКЛАНИШ ВА ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ**  
2003 йил 4-6 май кунлари Тошкент шаҳрида ЕТБ Бошқарувчилар Кенгашининг йиллик йилеалишини ўтказиш ҳақида қарор қабул қилиб  
Шу муносабат билан маэкур йилгилининг ўтказилишиға оид логотипни (эмблемасини) яратиш бўйича қуйидаги шартларға асосан танлов эълон қилинади:  
• **РАНГЛИ БЎЛИШИ КЕРАК;**  
• **УНДА ЕТБ ЛОГОТИПИ (ЭМБЛЕМАСИ) ҲАМ АКС ЭТТИРИЛИШИ ЗАРУР;**  
• **ТОШКЕНТ ШАХРИ БИЛАН БОҒЛИҚ МИЛЛИЙ РАМЗЛАРНИ ЎЗ ИЧИГА ОЛИШИ ШАРТ.**

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**  
**«ТУРИЗМ СОҲАСИДАГИ ФАОЛИЯТ КЎРСАТИШ УЧУН ЛИЦЕНЗИЯ БЕРИШ»**  
комиссиясининг 2001 йил 25 декабрдаги мажлиси 5-сонли баённомасиға асосан, туризм фаолияти учун берилган қуйидаги корхоналар лицензиясининг амал қилиши тугатилди:

№	Фирма номи	Лицензия рақами
1.	«Madad Co Ltd» масъулияти чекланган жамияти	231-96
2.	«NIGSA» масъулияти чекланган жамияти	442-99
3.	«Эватур» хусусий туристик фирмаси	455-99

Танловда иштирок этишни хоҳловчилар ўз ишларини 2002 йил 1 мартга қадар Ўзбекистон Республикаси Ташқи Вазирлиғи алоқалар ва туризмга махсус комиссияға тақдим этишлари керак.  
**ЕТБ Бошқарувчилар Кенгашининг йиллик йилеалишини Тошкент шаҳрида тайёрлаш ва ўтказиш бўйича ташкилий қўмитаси.**  
Манзил: Тошкент ш., Т.Шевченко к., 1-уй.  
Телефонлар: 138-51-33, 152-59-44, ички телефон: 22-00.

**«ХАЛҚ СҮЗИ»**  
**НАРОДНОЕ СЛОВО**  
МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: **Аббосхон УСМОНОВ**  
Тахрир хаяти: Э. Болдиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), М. Егоров (масъул котиб — «Народное слово»), Ш. Жабборов (бош муҳаррир уринбосари — «Халқ сўзи»), Ш. Ризаев, С. Зинин, М. Миралимов, С. Муҳиддинов, М. Сафаров, Р. Фарҳодий, И. Хўлодобов, И. Шогўломов, О. Қайибегенов (бош муҳаррир уринбосари — «Народное слово»), У. Ҳошимов.  
ТЕЛЕФОНЛАР:  
Газетхоналар билан алоқа ва миятақалар бўлими 136-29-89;  
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раҳбарияти ва шахсий таркиби қўмитанинг бошқариши бошлиғи Абдуманнон Халимовга падалир бўзруквори **ХАЛИМ отанинг** вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор қилади.  
Эллиққалта туман ҳокимлиғи, прокуратура-си, жоний ишлар бўйича суди ҳамда туман ички ишлар бўлими Қорақалпоғистон Респу-бликаси прокуроври Хўлиббой Халимовға отаси Аширбой **ХАЛИМОВнинг** вафоти муносабати билан чўқур ҳамдардлик изҳор қилади.  
«Узнефтгазурилик» акциядорлик компа-нияси жамоаси «Жанубгазурилик» ОАЖ бошқаруви ранси Хўлиб Аҳмедовға акаси Олиёр **АХМЕДОВнинг** вафоти муносабати билан чўқур таъзия бил-диради.

Ўзбекистон Телерадиокомпанияси жамоа-си «Манавият» студияси катта муҳаррири **Зулайҳо СОБИТОВнинг** бевақ вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чўқур таъзия изҳор қилади.  
Тошкент Давлат иқтисодиёт университети ректорати жамоат ташкилотлари магистратура факультетининг декани, профессор Уктам Ра-ҳимовға падалир бўзруквори **ЮНУСАЛИ отанинг** вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.  
Абдулла Қодирий номидаги Тошкент дав-лат маданият институти жамоаси институт «Фонд ва каталоглар» кафедраси ўқувувини Барно Рағиева онаси **Фарида НАБИЕВнинг** вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.

Рўнқотили ўғил тартиби № 00001  
Буларта 1 — 83, 2 — 83, 3 — 83, 4 — 83, 5 — 83, 6 — 83, 7 — 83, 8 — 83, 9 — 83, 10 — 83, 11 — 83, 12 — 83, 13 — 83, 14 — 83, 15 — 83, 16 — 83, 17 — 83, 18 — 83, 19 — 83, 20 — 83, 21 — 83, 22 — 83, 23 — 83, 24 — 83, 25 — 83, 26 — 83, 27 — 83, 28 — 83, 29 — 83, 30 — 83, 31 — 83, 32 — 83, 33 — 83, 34 — 83, 35 — 83, 36 — 83, 37 — 83, 38 — 83, 39 — 83, 40 — 83, 41 — 83, 42 — 83, 43 — 83, 44 — 83, 45 — 83, 46 — 83, 47 — 83, 48 — 83, 49 — 83, 50 — 83, 51 — 83, 52 — 83, 53 — 83, 54 — 83, 55 — 83, 56 — 83, 57 — 83, 58 — 83, 59 — 83, 60 — 83, 61 — 83, 62 — 83, 63 — 83, 64 — 83, 65 — 83, 66 — 83, 67 — 83, 68 — 83, 69 — 83, 70 — 83, 71 — 83, 72 — 83, 73 — 83, 74 — 83, 75 — 83, 76 — 83, 77 — 83, 78 — 83, 79 — 83, 80 — 83, 81 — 83, 82 — 83, 83 — 83, 84 — 83, 85 — 83, 86 — 83, 87 — 83, 88 — 83, 89 — 83, 90 — 83, 91 — 83, 92 — 83, 93 — 83, 94 — 83, 95 — 83, 96 — 83, 97 — 83, 98 — 83, 99 — 83, 100 — 83.  
● **МАНЗИЛИМИЗ:** 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.  
Навбатчи муҳаррир — И. Утбосаров.  
Навбатчи — Ф. Жабиев.  
Муҳасбиҳ — Ш. Машраббоев.  
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишға топириш вақти — 21.00  
топиришди: 21.00 1 2 3 4 5 6